**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

# МАВЗУ: ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ

**ЎҚИТУВЧИ: ИСКАНДАРОВ Ш.А.**

Тошкент 2016

1. Статистик маълумотларга кўра XX аср охирларида жаҳонда 2000 дан ортиқ халқлар ва элатлар яшаган.
2. Баъзи манбаларда бу кўрсаткич 3-4 мингга яқин деб кўрсатилади.
3. Шуларнинг 260 таси 1 млн дан ортиқ кишига эга халқлардан иборат бўлиб, жаҳон аҳолисининг 96 % ни ташкил этади.

# ПОЛИТИКО - АДМИНИСТРАТИВНАЯ КАРТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



# Этногенез тушунчаси

Этногенез - халқнинг келиб чиқиши. Тарих фанидаги мавжуд илмий методологик ишланмага кўра, этногенез деб илгаридан мавжуд бўлган бир неча этник компонентлар асосида янги этнос (элат)нинг вужудга келишига айтилади. «Этногенез» тушунчаси фанга илк маротаба XX-асрнинг 20-йилларида Н.Я.МАРР томонидан киритилган.

Ҳар бир халқнинг тарихи унинг этногенези ва этник тарихи билан узвий боғлиқдир. Этногенез этник тарихнинг маълум босқичларида вужудга келиб маълум бир этноснинг элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган даврда давом этадиган тарихий ва этномаданий жараёндир.

Этногенез жараёнида этносни белгиловчи ҳудудий омиллар: тил ва этник ном бирлиги, этномаданий бирлик, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик, этник ном (этноним) ҳамда ўзликни англаш бирлиги, сиёсий уюшма бирлиги, дин умумийлиги ва бошқа қатор этник аломатлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу этник аломатлар ва белгиларнинг барчаси содир бўлгандагина этнос — халқ шаклланади, яъни этногенез жараёни якунланади.

## *Этнология фанида этносни белгиловчи бир қанча аломатлар мавжуд:*

- ***Ҳудуд ва  тил бирлиги;***
- ***иқтисод ва маданият умумийлиги;***
- ***тарихий қисматининг умумийлиги;***
- ***онг сезими, этноснинг уюшқоқлиги;***
- ***маълум бир давлат доирасида бўлиши;***
- ***ўз этник номи (этноними)га эга бўлиши;***
- ***диний эътиқоднинг умумийлиги***

Этнос – юнон тилида “халқ” демакдир.

Этник тарих — маълум бир халқнинг илк аждодларидан бошланиб, элат шаклланишини, уни тараққий этиш босқичларини ва элатнинг емирилиш ёки ривожланиб, миллат даражасига етишиш даврини ўз ичига олади.






С.М. Широкогоров
(1887 – 1939)



Академик Аҳмадали Асқаров 70 ёшда

- **этнос** - *бу биологик ҳосила эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. У кишилик тараққиётида маълум бир босқичнинг ҳосиласидир. Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида, яъни этногенез босқичида ва ундан кейин ҳам ҳар хил тарихий сабабларга кўра, унинг таркибига янгидан-янги этник қатламлар қўшилиб боради.*

**_Биринчи гуруҳ_** – ўзбек халқининг қадим аждодлари этнографиясига доир тарихий манба ва асарлар




**Авеста, Оссор ул боқия, Девону луғатит турк, Бухоро тарихи,**

## ***Иккинчи гуруҳ*** **-** собиқ Совет давридаги муаллифларнинг илмий тадқиқотлари

| 20–30 йиллар | 40–70 йиллар | 80- йиллар |
| --- | --- | --- |
| М.С. Андреев, Е.М. Пешчерева, М. Гаврилов | А.Х. Ҳамроев, Г.П. Снесарев, К. Шониёзов, Н.П. Лобачева | Г.А. Брыкина, Б. Саримсоқов, У. Жаҳонов, О. Бўриев |



## *Учинчи гуруҳ – Ўзбекистон мустақиллиги йилларида яратилган илмий тадқиқотлар ва асарлар*




**К. Шониёзов,У. Қорабоев, А. Нарзиқулов, М аев,**

**А. Аширов, Ф. Раҳмонов, З. Арифханова, В. Ҳақлиев**

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭТНОГЕНЕЗИНИНГ БОШЛАНИШ НУҚТАСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР

***Академик Ю. Якубовиский,***

***Академик С.Толстов, К. Шониёзов***

***Академик А.Асқаров***

***Турк хоқонлиги даври V-VI асрлар***

***Антик даври мил авв. IV милод IV асрлар***

***Сўнг бронза даври мил авв. II минг йилликнинг 2 ярим***

# ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНИК ТАРИХИНИНГ УЧТА БОСҚИЧИ

- **1-босқич -- этногенетик жараён тарихи**

**(ибтидоий жамоа тузуми охиридан (сўнгги бронзадан) XI асргача)**

Қабила -- ўзига хос тили (лаҳжаси), ҳудуди, қабила номининг (этнонимининг) бўлиши ва ўзига хос қабила анъаналарини, унинг аъзолари томонидан билиши

Ўзбек халқининг этник шаклланишининг биринчи босқичида, яъни III-II асрларда ҳозирги антропологик қиёфадаги ўзбеклар шаклланган.

# Этногенез жараёнини ўрганишнинг 2 усули мавжуд:

| | | |
|---|---|---|
| 1) туб ерли (автохтон) этник компонентларнинг ўзаро яқинлашуви, уларнинг қўшилиб, биргаликда тараққий этиб бориши; | | 2) шаклланган ёки шаклланаётган этник бирликка бошқа ҳудудлардан кўчиб келган компонентларнинг маҳаллий аҳолига қўшилиши. |

# Манбалардаги маълумотлар

- Юнон-рим манбаларида Евроосиёнинг катта ҳудудларида яшовчи қадимий элатлар умумий ном билан «скифлар» деб аталади;
- Помпей Трог скифларнинг қадимийликда мисрликлардан қолишмаслигини эътироф этса, Плиний Ўрта Осиё ҳудудларида 20 га яқин элатлар яшаганлигини қайд қилади;
- Қадимги манбаларда скифларнинг сак ва массагет қабилалари кўпроқ тилга олинади;
- Қадимги форс манбаларида сакларларнинг сака-хаумаварка, сака-тиграхауда ҳамда сака-тиай-тара-дарайя қавмларидан иборат бўлганлиги қайд қилинади;
- Массагетлар хусусидаги маълумотларнинг таҳлили уларнинг маҳаллий чорвадор қабилаларга мансуб бўлиб, ҳарб ишига моҳир бўлганликларидан далолат беради.

# Ассимиляция жараёнлари

- **Мил. авв. II минг йиллик ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларига шимолий-шарқдан янги этник гуруҳлар кириб кела бошлайди;**
- **Ўзбекларга хос антропологик қиёфа Сирдаёнинг ўрта ҳавзаси, яъни Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Хоразм ҳамда Жанубий Қозоғистон ва Еттисув минтақасида мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмида шакллана бошлаган;**
- **Мазкур аҳоли мил. авв. III-II асрларда Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига бир неча йўналишда кириб борган ва кенг ёйилган;**
- **мил. авв. III-II асрларда Ўрта Осиё-икки дарё оралиғи кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий элатлари Сирдарёнинг қуйи оқимидан Марказий Қизилқум орқали Самарқанд атрофларига, сўнгра Қашқадарё воҳасининг қуйи қисми орқали Сурхондарё воҳасига бориб жойлашганлар. Кейинчалик уларнинг бир қисми Сурхондарё воҳаси орқали жанубий Тожикистон ҳудудларига ўтишган;**
- **Мазкур элатларнинг иккинчи гуруҳи Бухоро воҳаси орқали Туркманистоннинг жанубий вилоятларига, бир қисми эса Шимолий Афғонистондаги ҳозирги Шибирғон шаҳри атрофларига қадар етиб боришган.**

# МИЛЛАТ ва ХАЛҚ тушунчалар ўртасидаги ТАФАВУТЛАР

| | |
|---|---|
| Миллат КАПИТАЛИСТИК жамиятни махсулидир. | Халқ ижтимоий ФЕОДАЛИЗМНИ махсулидир |
| Миллат чегаралари жаҳон миллатчилик ташкилотлари томонидан тан олинади ва дахлсиз | Халқни уюштиривчи этник белгилардан ҳудудий бирлик чегаралари тарих тақозосига кўра ўзгарувчан бўлади |
| Миллат даражага эришганда эса унинг номи бўлиши шарт | Халқ шаклланган пайтда ҳамма вақт ҳам унинг этник номи бўлавермайди |
| Миллат даражада ўзликни англаш миллий ғуруғ ватан парварлик фахрий хиссий юксак даражасида | Халқ этноснинг халқ даражасида ўзликни англаш, миллий ғурур, ватанпарварлик, фахр ҳисси ўша давр жамияти тартиб қоидаларига кўра кўпчиликда бир хил бўлади. |
| Миллат тили албатта давлат тили мақомини олади. | Этноснинг тили халқ дарадасида ҳамма вақт ҳам давлат тили мақомини олавермайди |

# IX – X асрларда Мовароуннаҳр ҳудудларига келиб ўрнашган туркий элатлар

- Қарлуқлар
- Чиғиллар
- Яғмолар
- Қирғизлар
- Уйғурлар
- Тургешлар
- Арғулар

# 3-БОСҚИЧ – МИЛЛАТ ТАРИХИ

**(XIX аср охири-XX аср бошларидан бошланган)**

**Учинчи босқичда “ўзбек” атамаси кенг ёйила бошланди.**

**<u>Этник аломатлари</u>**

- давлатнинг миллат номи билан юритилиши,
- суверен давлат сифатида ички ва ташқи сиёсатни мустақил юритиши,
- миллат тили давлат тили мақомини олиши,
- давлатнинг жамият томонидан бошқарилиши,
- миллатга хос менталитетнинг шаклланиши

IV - o'zbek, uyg'ur, qozoq, qirg'iz, turkman, qoraqolpoq tillari; V - yoqu
dolgan, tuva, xakas, oltoy, chulim, shor tillari.

# TARIXIY TURKIY DAVLATLAR




19.02.2012 02:44



Академик
Карим Шониёзов
(1924-2000)






- ***К.Шониёзов таъкидлаганидек, IX-X*** асрларда сиёсий ҳокимият Мовароуннаҳрда форсийзабон сомонийлар қўлида бўлсада, унинг шимолий, шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий вилоятларида, Қорлуқ-Қорахонийлар давлати доирасида, ўзбек элатининг туркий асоси қурилиб бўлган эди. Бу эса, кейинчалик ўзбек номини олган халқнинг сиёсий жихатдан уюшиши учун IX-X асрларда қўйилган ўша туркий этник асос мустаҳкам пойдевор бўлди. Айнан шу йирик туркий этномаданий ҳудудий яхлитлик ўзбек халқи этногенези тарихида муҳим фундаментал асос, бешинчи босқич сифатида характерланади.










Академик
Аҳмадли Асқаров

- **Асқаровнинг фикрича** Бундан ўзбек халқи ҳам мустасно эмас. Шундай экан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида қадимдан яшаб келаётган ўзбек халқининг илк аждодлари икки тил-туркий ва эроний тиллар туркумидаги қабила ва элатлар бўлиб, уларнинг узоқ асрлар давомида аралашуви, қоришуви жараёнида ***XI-XII*** асрларга келиб ўзбек элати халқ бўлиб шаклланиб, шундан сўнг унинг этник тарихи бошланади. Мана шу улкан тарихий давр ичида ўзбек халқи қабила ҳолатидан уюшган халқ даражасига ўсиб чиқади. Мана шу давр ичида аждодларимиз бир неча этномаданий босқичларни босиб ўтади.

***<u>ЎЗБЕК ХАЛҚИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ</u>***.

*Қорахонийлар* даврида (X-XI асрлар) Мовароуннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолаларга ўтиши муносабати билан ўзбек халқи этногенезининг якуний босқичи бошланди. Ғарбий Қорохонийлар давлати доирасида ҳозирги ўзбекларга хос туркий этнос қарор топди ва айнан мазкур даврда ***<u>элатни белгиловчи ҳудуд, тил, маданият, тарихий қисматининг умумийлиги, этник ўзликни англаш, этноснинг уюшқоқлиги</u>*** маълум бир давлат доирасида бўлиши, дин умумийлиги ва бир қанча шу каби бошқа этник аломатлар шаклланган. Бу даврда ўзбекларнинг умум элат тили қарор топди. Мовароуннаҳр ва унга туташган минтақаларда яшовчи туркийзабон аҳоли; қарлуқ, чигил, яғмо, тухси, халач, арғин, ўғуз, қипчоқ, уз, қангли, сингари уруғлар ўзларини бир халқ (элат) сифатида англай бошлаганлар. Умуман олганда XI-XII асрнинг биринчи ярмида элат шаклланишидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган аксарият этник аломатлар ўз маромига етиб ўзбеклар халқ сифатида шаклланган.

## ***Ўзбекларнинг Шайбонийлар давридаги тараққиёти ва «ўзбек» этник номининг келиб чиқиши.***

Ўзбеклар этник тарихида XV а. охири – XVI асрлар ҳам муҳим давр ҳисобланади. Ушбу босқичда Ўрта ***Осиёга манғит, қўнғирот, найман, уйғур, сарой, қатағон, қушчи, дўрмон, кенагас, қирқ, юз, минг,*** баҳрин ва бошқа Дашти Қипчоқ ўзбек этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келиши кучайган. Натижада Мовароуннаҳр аҳолисининг этник қиёфасида мўғулий ирқ аломатлари ҳам фаоллашган. Дашти Қипчоқдан икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳлар «ўзбек» номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг-баранглигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар ҳамки, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартириб юбормаган. Ушбу этнослар шаклланган ўзбек халқининг таркибига келиб қўшилган навбатидаги этник компонент эди, холос. Улар Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг турмуш тарзига, анъаналарига, маданиятига, хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган янги типдаги маданий қатлам ҳосил қилган. Айниқса, Зарафшон водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари аҳолиси орасида бу нисбат кучли сезилади. Маҳаллий аҳолига улар ***«ўзбек»*** номини беришган ва бу ном Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолган.

Таъкидлаш жоизки, анъанага кўра, жангга отланган турк-мўғул чавандоз ўзи билан оила ва уруғ-аймоқларини бирга олиб юрган. Шайбонийхон Мовароуннаҳрга қўшин тортиб келганда, унинг армиясида 92 ҚАВМ чавандозлари хизмат қилган. Демак, ҳар бир қавмни минг оиладан иборат десак, ҳар бир оила ўртача 6-7 кишидан иборат бўлса, у ҳолда, XVI аср бошларидаги Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари муносабати билан камида 500-600 минг Дашти Қипчоқ ўзбеклари Мовароуннаҳр ва Хоразмга кириб келган. Ўрта Осиё ҳудудларида уларнинг барчаси қолиб, туб жойли аҳоли билан қоришиб кетганда ҳам, бу рақам маҳаллий турғун этник қатламга нисбатан ҳеч нарса эмас эди. Шунинг учун ҳам антропологик тадқиқот натижаларига кўра, XVI аср давомида аҳоли этник таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермади.

# Ўрта Осиё халқларнинг келиб чиқиш ҳақидаги қарашлар

***Панисломизм***

***Панэронизм***

***Пантуркизм***

***Миллий автохтонизм***

# Пантуркизм

***Асосчилар***

***Моҳияти***

***Зиё Гёкопил
Заки Валидий
Тўғон
Туркистон
миллий
жадидчилари***

***Ўрта Осиё халқлари азалдан туркдлар бўлиб, уларни юрт буюк Турон сўнгра Туркистон бўлиб кетган. Ўзбек халқини келиб чиқиши Нух алайхусалом Ёфас-Тур ёки Турк билан боғланади***

# Панэронизм

*Асосчилар*

*Моҳияти*

***Р. Масов***
***Н. Неъматов***
***Ю. Брегель***
***Э. Рахманов ва бошқалар***

***Ўрта Осиёни туб жойли аҳолиси эрон тили халқлар бўлиб ушуб халқлар яъний орийларнинг ватани Ўрта Осиё унинг туб жойлиги аҳолиси эса тожиклар деб таъкидлашади.***

# Панисломизм

***Асосчилар***

***Моҳияти***

***Ислом ақидапарастлари диний уламолар ва шайхлар***

***Ҳеч қандай миллий этнослар йўқ фақат ислом миллати бор халқни тилига қараб эмас динига қараб белгиламоқ зарур***

# Панисломизм

- XIX аср охирида бутун мусулмон оламини мустамлакачиларга қарши курашда бирлаштириш тўғрисидаги ҳаракатга Россия ва Англия империялари, шунингдек, СССР томонидан берилган сунъий ном.

- XIX асрда Курсавий, Маржоний, Аҳмад Дониш каби йирик уламолар ва маърифатпарварлар ислом динини ислоҳ қилиш фикри билан чиқиб, муайян дастурлар тузишган. Уларнинг бу фикрлари Бухорода айрим мутаассиб уламоларнинг жиддий қаршилигига учраган.

- Афғон маърифатпарвари, диний ва сиёсий арбоб **Жамолиддин ал-Афғоний XIX асрнинг 70-йилларидан** бошлаб бу қарашларни яхлитлаштириб, исломчилик назариясига асос солган. Кейинчалик уни ривожлантиришда Муҳаммад Абду, Икром домла, Гаспринский, Фитрат, Беҳбудий, Абдурашид Иброҳимов, Мунавварқори каби сиймоларнинг муайян даражада хизматлари бўлган.

# Миллий автохтонизм назарияси

| Асосчилар | Моҳияти |
|---|---|
| Ю. Якубовиский, С.Толстов, Я.Ғуломов, В. Ошанин, В. Гинзибург | ХХ асрнинг 20 йилларидаги миллий ҳудудий чегараланиши сиёсати натижасида пайдо бўлган қарашлар. Бунга кўра барча туркий халқларни келиб чиқиши жиҳатидан ўзилари эгалаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқдир. |

# Узбеки



***Эътиборингиз учун ташаккур!***